

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали

Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштиришнинг асосий босқичлари ва кўчириш сиёсати (Мирзачўл мисолида)

Жумаев Журабек - ЖДПИ,
тарих факультети ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва кўчириш сиёсати масалалари Мирзачўл мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Империя, кўчириш сиёсати, А.В.Кривошеин, ВКП(б), КПСС, Мирзачўл, қўриқ ва бўз ерлар, пахтаяккаҳоқимлиги, Сталин, Ш.Рашидов, механизациялаштириш.

Аннотация: В данной статье исследователь анализирует вопросы новой земельной и переселенческой политики в Узбекистане на примере Мирзачульского.

Ключевые слова: Империя, переселенческая политика, А. В. Кривошеин, ВКП(б), КПСС, Мирзачул, заповедники и сероземья, хлопковое управление, Сталин, Ш. Рашидов, механизация.

Annotation: In this article, the researcher analyzes the issues of new land development and resettlement policy in Uzbekistan on the example of Mirzachul

Keywords: Empire, resettlement policy, AV Krivoshein, VKP (b), KPSS, Mirzachul, reserves and gray lands, cotton administration, Stalin, Sh. Rashidov, mechanization.

Аждодларимиз қадимдан деҳқончилик маданияти соҳасида бой тажриба тўплаганлар. Ўрта Осиёнинг деярли барча тарихий-маданий вилоятларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ўтроқ аҳоли томонидан янги ерларнинг ўзлаштирилганлиги кузатилади. Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузумда давлат аграр сиёсатининг асосини ер ташкил этади. Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан истило қилингандан кейин бу масала мустамлакачиларнинг ҳам мазкур сиёсатидаги бош масалалардан бири эди.

Империя аграр масалада гўёки Туркистон ўлкасида минглаб йиллар давомида шаклланиб келган ер-сув муносабатларини бузмақчи эмасдек сиёсат олиб борган бўлса-да, аслида бу масалада кескин ўзгаришларни амалга ошириш яширин эди. Санкт-Петербург аристократияси вакили, ўлкашунос олим, князь В.Н.Масальский бутун диққат-эътиборини Туркистон ўлкасидаги ер-сув масалаларига қаратиб, арзон ва сифатли пахта хом ашёсига эришиш учун ҳудудда пахта яккаҳоқимлигини ўрнатиш, русларни кўпайтириш чоратadbирларини ишлаб чиқишни зўр бериб уқтиради.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Императорнинг Давлат мулклари ва зироатчилик министри А.В.Кривошеин ҳам ўз эсдаликларида худди шундай фикр юритади: “Бу марказий масалада уч кўриниш мавжуд. Агар биринчисида ярқираб турган ёзув “пахта” бўлса, иккинчисида “суғориш” ва ниҳоят, учинчисида унча кўзга ташланиб турмаган бўлса ҳам, аслида эса ҳаммасидан муҳими- “русларни кўчириб келтириб ўрнаштириш” ёзуви турибди”.

1897 йилга келиб бир қанча суғориш лойиҳалари пайдо бўлди: Мирзачўлнинг шимоли-шарқий қисмида 45 минг десятина майдонни суғориш, Далварзин даштида 40 минг десятина майдонни суғориш ва ҳк.

XX аср бошларида Россия империяси Мирзачўлга янгидан катта куч ташлаб, ҳужум қилиш режаларини ишлаб чиқа бошлади. 1914 йилнинг баҳоридан бошлаб ташкилий равишда Мирзачўлга руслар кўчириб келтирила бошланди ва суғориладиган ерлар кўпайиб борди. 1923 йил 2 сентябрда Мирзачўлнинг шимоли-ғарбий қисмини ҳам ўзлаштириш лойиҳаси тузилди. 1920-1926 йилларда бунга қўшимча равишда шимоли-ғарб томондаги ерлар ҳам ўзлаштирила бошланди. 1928-1936 йилгача Мирзачўлда 2,1 млн. кубометр ер ишлари бажарилди. Боёвут массивида эса 10,8 минг гектар ерни ўзлаштириш учун 2-3та насос станцияси қурилди. Малик массивида 2 минг гектар ер сув билан таъминланди, шунингдек бу ерда совхоз ташкил этилди.

1938-1941 йиллари ирригация ва мелиорация қурилишида умумхалқ ҳаракати туфайли қисқа фурсат ичида Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштиришда муваффақиятларга эришилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда республикада янги ерларни ўзлаштириш жараёнини шартли равишда икки босқичга ажратиш мумкин: 1)1950 - 1953 йиллар, 2)1954 - 1970-йилларнинг охири. ВКП(б) (1952 йилдан КПСС МК) ва СССР Министрлар Совети қарорларида Ўзбекистонда янги ўзлаштириладиган ерлар ҳажми мунтазам белгилаб борилган. Жумладан, 1950 йил -165,7 минг, 1954-1958 йиллар-600 минг, 1956 йил-200 минг, 1958 йил-380 минг гектар янги ер ўзлаштиришга қарор қилинган. 1950 йилдан бошланган биринчи босқич 1920-1930 йилларда амалга оширилган янги ерларни ўзлаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Мазкур босқичда кўриқ ерларни ўзлаштириш асосан, қишлоқ ва сув хўжаликлари зиммасига юклатилиб, режалаштирилган вазифаларни аксарият ҳолларда амалга ошириш имкони бўлмасди.

1953 йилда республикада янги ерларни ўзлаштиришнинг биринчи босқичи ўз поёнига етсада, бироқ янги ерларни ўзлаштириш жараёнида кўплаб муаммолар юзага келди. Республика ҳукумати кўплаб муаммолар гирдобида қолди. Бизга маълумки, 1954 йил 17-20 ноябрь кунлари Тошкентда “Пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари” га бағишланган йиғилиш

Тарих ва Жамият илмий журнали

бўлиб ўтади. Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари А.И.Ниёзов: “Яқин йилларда Марказий Фарғона, Жиззах, Сурхондарё областлари ва Аму ҳавзасида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидан экин майдонлари янада кенгаяди. Аммо қишлоқ хўжалиги соҳасини механизациялаш талаб даражасида эмас, натижада бир гектар ерга ишлов бериш учун 200 нафар пахтакорни жалб этишга тўғри келаяпти”, - деб мазкур йиғилишда ўзининг танқидий фикрини билдиради. Ушбу йиғилишда кўрик ерларни ўзлаштириш ҳисобидан, аҳоли истеъмоли маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилаш, ривожланган капиталистик давлатлар даражасига етиш, демографик муаммоларни ҳал этиш, пахтачиликни ривожлантириш каби ўта муҳим сиёсий ҳамда стратегик дастурларни бажариш мақсадлари белгилаб олинади.

Шу ўринда 1953 йилда собиқ Иттифоқ раҳбари Н.С.Хрушчёвнинг айтган гапларини таъкидлаш ўринлидир: “Кўрик ерларни ўзлаштириб, муомалага киритиш улардан фойдаланиш катта фойда келтиради. Лекин ерни хайдаб экиш қийин эмас, бу ерда аҳоли сонини кўпайтириш керак. Шундагина кўрик ерларни ўзлаштириш мумкин бўлади”.

Юқоридаги фикр аҳолини янги ерларга оммавий жалб этиш ҳамда кўчиришга даъват этарди. Натижада СССР раҳбарияти янги ерларда меҳнат ресурсларини шакллантиришга қаратилган ягона тизимини ишлаб чиқди. Бу тизимни беш йўналишда амалга ошириш режалаштирилди: 1) деҳқон хўжаликларини режа асосида янги ерларга кўчириш; 2) жамоатчилик чақириғи билан кўчиб ўтишнинг ихтиёрийлик принципига ўтиш; 3) халқ хўжалиги тармоғида фаолият юритаётган корхона-ташкилот ва муассасалар ўз жамоаси таркибидан малакали, катта тажрибага эга вакиллари махсус йўлланма асосида кўчириб ишга юбориш; 4) республика шаҳарларида истиқомат қилаётган аҳолининг ишсиз қатлами ҳисобидан танлов асосида янги ерларга кўчиришни ташкиш этиш; 5) уюлмаган ҳолда якка-якка кўчишни ташкил этиш.

Кўчириш тадбирлари республика областларида аҳоли зичлиги ва янги ер учун талаб этиладиган ишчилар сони (ҳайдаладиган ер ёки бир кишига тўғри келадиган пахта майдони)ни аниқлашдан бошланди. Жумладан, 1959–1973 йиллар республика бўйича қишлоқ аҳолиси 49,7 фоиз кўпайган. Шу йиллар давомида Тошкент области (шаҳри билан бирга) аҳолисининг зичлиги 3 баробар, Фарғона, Андижон областларида 1,8 баробар, Қорақалпоғистонда 1,6 баробарга ошган. Самарқанд области аҳоли сони бўйича республикада биринчи ўринда турган. Демак, республиканинг Андижон, Фарғона, Самарқанд областларидан деҳқон хўжаликларини режа асосида янги ерларга кўчириш мақсадга мувофиқ кўрилган.

Тарих ва Жамият илмий журнали

1970-1975 йилларда Жиззах машина каналларининг барпо қилиниши туфайли 184 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Жиззах даштини сув билан таъминлашда Жанубий Мирзачўл каналини қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу каналнинг тўлиқ ишга туширилиши Мирзачўлнинг янги зоналарини келгусида Жиззах даштига ҳужум бошланш кучун замин бўлди. Чунки ҳали бепоён сахро, ташландиқ ерлар, ўзлаштирилмаган зоналар кўп эди.

Ўзбекистонда аҳолини янги ерларга кўчириш 1)1950–1953 йиллар; 2)1954–1970 йиллар охирини ўз ичига олади. 1950–1953 йилларда аҳоли азалий йиғилган тажрибага таянилган ҳолда кўчирилди, яъни мигрантлар таркибини асосан деҳқон хўжаликлари ташкил этганди. Кўчириш ишларини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатларда аҳоли асосан районлараро кўчирилиб, ихтиёрийлик тамойилига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

1954-1970 йиллар кўчириш сиёсатининг энг юқори чўққиси сифатида эътироф этилди ва бу давр кўчиришнинг “инновацион” даври ҳисобланиб, мигрантлар ижтимоий базаси шаҳар аҳолиси ҳисобига “бойитилди”. 1954 йилги қарор билан аҳолини кўчиришнинг беш йиллик (1954-1958 йй) режаси тасдиқланиб, жами: 40 минг деҳқон хўжаликларини кўчириш белгиланди. Шулардан 1954 йил – 6000 та, 1955 йил – 7000 та, 1956 йил – 8000 та, 1957 йил – 9000 та, 1958 йил – 10000 та хўжалик кўчирилиши назарда тутилган эди. 1956 йилда Республика ҳукумати аҳолини янги ерларга кўчиришнинг навбатдаги беш йиллик (1956-1960 йй) истиқболли режасини тасдиқлади. Унга кўра беш йил давомида жами: 49500 та хўжалик кўчирилиши шундан, 40000 та хўжалик колхозларга, 9500 та хўжалик совхозларга кўчирилиши режалаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, кўчириш тадбирлари қайд этилган расмий ҳужжатларда областлараро аҳолини кўчириш жараёни ўта мураккаб кечганидан далолат беради. Айниқса, Мирзачўл ҳамда Марказий Фарғона чўлида янги ерларни ўзлаштириш учун областлараро аҳолини кўчириш жараёнида бир қатор тўсиқларга дуч келинган бўлсада, лекин районлараро кўчириш натижалари ижобий бўлган эди. 1965 йилдан бошлаб аҳолини янги ерларга кўчириш халқ хўжалиги режасига киритилди ва тасдиқлаб олинди.

1960–1969 йилларда республикада аҳоли миграциясининг 60,8 фоизи районлараро миграция ҳиссасига тўғри келди, 39,2 фоиз эса областлараро миграцияни ташкил этарди. 1960-йилларнинг иккинчи ярми ва 1970- йилларда СССРда область ва республикалараро миграция устунлик қилган. Бироқ Ўзбекистонда районлараро миграция ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Яъни умумий миграцион жараёнларнинг 32-33фоизи районлараро, 2-3 фоизи эса областлараро миграция ҳиссасига тўғри келади. Режали кўчириш ўзини оқламагани кўриқ ерларга ўз ихтиёри билан кўчиб келган кишилар сонига

Тарих ва Жамият илмий журнали

нисбатан режа асосида кўчирилган хўжаликлар ҳиссаси паст бўлганлигидан аён эди. Масалан, 1971 йилда янги ерга кўчирилганларнинг 39 фоизи режа асосида кўчирилганди. Бу кўрсаткич 1972 йилда - 37 фоиз, 1973 йилда - 35 фоиз, 1974 йилда - 34 фоиз, 1975 йилда - 33 фоиз, 1976 йилда - 31 фоиз, 1977, 1978 ва 1979 йилларда - 29 фоиздан юқори бўлмади. Хуллас, 1950-1970 йиллар Ўзбекистонда аҳолини кўчириш жараёни билан боғлиқ тур, шакл ва кўринишлари хилма-хиллигини кузатишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Масальский В.Н. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предпримчивость. СПб.1908.
2. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестане. СПб. 1912.
3. Освоение Голодной степи. М.: 1963.
4. КПСС и советское правительства об Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1972.
5. Совещания по вопросам дальнейшего развития хлопководства //Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. Ташкент, 1954. -№7.
6. Хушвақтов Х.О. Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳолини кўчириб келтирилиши ва уларнинг ижтимоийиқтисодий аҳоли. Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. –Тошкент, 2019.
7. Муллажонов Р. Ўзбекистон аҳолиси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975.
8. Эгамбердиев А.Воспроизводство трудовых ресурсов сельской местности Узбекистана и основные пути улучшения их использования. –Ташкент: Фан, 1972.
9. Йўлдошев М. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишчи кучидан рационал фойдаланиш. –Тошкент: Ўзбекистон, 1982.
10. Болтаев А. Мирзачўл-Жиззах: ўтмиши ва бугуни. Тошкент: Фан, 2007.
11. Ризаев Б.Н. Ўзбекистонда 1950-1970 йиллари янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш сиёсати (Бухоро области мисолида) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ёзган дисс.автореферати. Бухоро-2021.